



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 7 » iyul

№ 425

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг функционал вазифалари ҳамда Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 июнданги ПҚ-5143-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласи:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг функционал вазифалари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ўн кун муддатда Котибият раҳбарлари ва мутахассисларининг функционал вазифалари тақсимланишини қайта кўриб чиқиб, тасдиқласин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг функционал вазифалари ҳамда Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгартеришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 23 апрелдаги 249-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “7” июл даги 425-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт
ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари –
Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирининг функционал вазифалари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПФ-5644-сон Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4612-сон ҳамда “Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 июндаги ПҚ-5143-сон қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг (кейинги ўринларда – Бош вазир ўринbosари) функционал вазифаларини белгилайди.

2. Бош вазир ўринbosари Бош вазирнинг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

Бош вазир ўринbosари Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ҳисобот беради.

3. Бош вазир ўринbosари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси) қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қиласди.

4. Бош вазир ўринбосарининг фаолияти макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштиришни, таркибий ўзгаришларни таъминлаш, банк-молия, солиқ ва божхона тизимини янада ислоҳ қилиш, давлат активларини самарали бошқаришни ташкил этиш, ер ва унга боғлиқ ресурсларнинг аниқ ҳисобини юритиш ҳамда рақобатни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, камбағаллкини қисқартириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал этишга йўналтирилган.

5. Бош вазир ўринбосари мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг аъзоси ҳисобланади ва Вазирлар Маҳкамаси Раёсати таркибиға киради.

Бош вазир ўринбосари Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида бевосита иштирок этади.

6. Бош вазир ўринбосарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарорига мувофиқ вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари бўйсунади.

2-боб. Бош вазир ўринбосарининг асосий фаолият йўналишлари, вазифалари ва функционал мажбуриятлари

7. Қуйидагилар Бош вазир ўринбосари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг хужжатлари, парламент, депутат ва Сенат аъзоси сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириклари сўзсиз бажарилишини ташкил қилиш юзасидан мониторингни таъминлаш, шунингдек, жойлардаги ишларнинг реал ҳолатини доимий ўрганиш, самарали макроиқтисодий сиёsatни юритиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул сиёsatни амалга ошириш тизимини жорий этиш, ер ва унга боғлиқ ресурсларнинг аниқ ҳисобини юритиш, иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва шу асосда стратегик ҳамда устувор вазифаларни амалга оширишга доир комплекс таклифлар ишлаб чиқиш;

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифалари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислоҳотлар концепцияси ҳамда ўрта муддатли ва узоқ истиқболда ривожлантиришнинг тасдиқланган тармоқ ва ҳудудий дастурлари ўз вақтида ҳамда самарали амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирларини ташкил этиш;

кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқадиган тегишли йилга мўлжалланган давлат дастурининг амалга оширилиши тўғрисида ҳисоботлар тайёрланишини таъминлаш;

Хукумат, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг асосий халқаро рейтинглар ҳамда индексларда Ўзбекистон Республикасининг позицияларини яхшилаш бўйича ишлари самарадорлигини ошириш соҳасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

жойларда “халқ билан мулоқот” ва шахсий учрашувлар амалиётини такомиллаштириш чораларини кўриш, аҳолининг бандлиги ва реал даромадлари оширилишини таъминлаш, камбағаллкини қисқартиришни кафолатловчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишини таъминлаш, ер билан узвий боғланган Давлат кадастрлари ягона тизимини тўлақонли юритишни таъминлаш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали, шу жумладан илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида, зарур бўлганда, ушбу мақсадларга хорижий консультантларни жалб этган ҳолда норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, экспертизадан ўтказиш ва кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли бўлинмалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўмиталари билан ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида, вазирликлар ва идораларда, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликларда ижро интизоми даражасини ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг хужжатлари, баённомалари ва топшириқлари, шунингдек, “йўл ҳариталари”нинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш;

давлат бошқарувини номарказлаштириш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг молиявий имкониятлари, роли ва жавобгарлигини кенгайтириш, марказий ва ўрта бўғин бошқарув ходимлари сонини оптималлаштириш орқали бошқарувнинг вертикал тизими механизмларини ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш;

Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартеришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибиятида (кейинги ўринларда – Котибият), шунингдек, унга бириктирилган вазирликлар, идоралар ҳамда хўжалик бирлашмаларида кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш, ходимлар малакасини ошириш ва кадрларнинг амалий захирасини тайёрлашнинг самарали шакл ва усулларини жорий этиш.

8. Куйидагилар Бosh вазир ўринbosарининг асосий вазифалари хисобланади:

a) макроиктисодий таҳлил, прогнозлаштириши, таркибий ўзгаришилар, яширин иқтисодиётни қисқартириш ҳамда бюджет, солиқ ва божхона сиёсатини мувофиқлаштириши соҳасида:

давлат бошқаруви тизимига, жумладан, стратегик режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг замонавий шакллари, усуллари ва принципларини жорий қилиш;

барча даражалардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини аниқ кўрсаткичлар ҳамда мақсадли индикаторларга эришиш, яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий ҳамда бошқа соҳаларни стратегик ривожлантириш дастурларини амалга ошириш сифати ва самарадорлигига асосланган баҳолаш тизимини жорий этиш;

Бош вазир томонидан муайян соҳалар ва йўналишларда ислоҳотларнинг амалга оширилишини ўрганиш мақсадида худудларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, худудий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида мавзуга оид сайёр (очик) мажлислар ўтказиш учун тегишли таҳлилий материаллар тайёрланиши ва киритилишини таъминлаш;

макроиктисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини ва мамлакат аҳолисининг бандлигини таъминлаш орқали фуқароларнинг турмуш даражасини ошириш ва камбағалликни қисқартиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган иқтисодий ва ижтимоий сиёсат самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш жараёнларини мувофиқлаштириш, бюджетнома лойиҳасининг кўриб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлаш ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этиш;

тегишли даврлар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар кўриб чиқилишини, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тасдиқлаш учун тақдим этилишини таъминлаш;

бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар интизомини мустаҳкамлаш, ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида дебиторлик ҳамда кредиторлик қарздорликни камайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

пул муомаласи ҳолатини таҳлил қилиш, бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тушишини таъминлаш, бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарздорликни камайтириш ва қарздорлик ҳосил бўлишининг олдини олиш ҳамда уларнинг касса ижросини таъминлаш;

капитал бозорини ривожлантиришнинг яхлит стратегиясини шакллантириш ва қимматли қофозлар иккиласми бозорининг жадал ривожланишини ҳамда кўлами кенгайишини таъминлаш орқали ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 26 мартағи ПФ-5975-сон Фармонига мувофиқ самарали макроиктисодий сиёсатни юритиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик мухитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул сиёсатни амалга ошириш тизимини жорий этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари томонидан тайёрланадиган муҳим иқтисодий, ижтимоий муаммолар, институционал ва таркибий ислоҳотлар бўйича мақсадли дастурлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг ҳужжатлари лойиҳаларини республиканинг стратегик манфаатлари ва мақсадларига мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқиш, уларнинг макроиктисодий кўрсаткичларга, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига таъсирини баҳолаш;

макроиқтисодий ҳолат ва иқтисодиётдаги сифатли таркибий ўзгаришларнинг, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлиги, турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш мақсадли дастурлари амалга оширилишининг, жумладан, тегишли маълумотлар базаларини шаклантириш ва уларни таҳлил қилиш йўли билан мониторинги олиб борилишини таъминлаш;

давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ҳамда солиқ тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига риоя этилишини, солиқларнинг солиқ тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлиқ ҳамда ўз вақтида тушишини таъминлаш;

солиқ тўловчиларни ва солиқ солиш обьектлари ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, уларнинг тўлиқ қамраб олиниш механизмларини солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш орқали такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” 2018 йил 29 июндаги ПФ–5468-сон Фармонига мувофиқ солиқ юкини камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифаларини амалга ошириш;

солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича таъсирчан чоралар кўриш, шу жумладан макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши ва худудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали таъсирчан чоралар ишлаб чиқиши, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 30 октябрдаги ПФ–6098-сон Фармонига мувофиқ мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан тартибга солиш ва маъмурий юкни камайтириш ҳисобига teng рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш;

Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикасида “Яширин иқтисодиёт” улушкини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 20 июндаги 394-сон қарорига мувофиқ “Яширин иқтисодиёт” улушкини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

божхона тўловлари тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш, божхона органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, идораларо ахборот алмасиши, хорижий давлатлар божхона органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, божхона органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш борасида божхона органларининг фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5582-сон Фармонига мувофиқ божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган норматив-хуқукий ҳужжат лойиҳаларини молиявий-иктисодий экспертизадан ўтказиш, бунда лойиҳани қабул қилишнинг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш;

б) давлат активларини хусусийлаштириши ва трансформация қилиши ҳамда давлат-хусусий шериклик, рақобат ва молия бозорини ривожлантириши соҳасида:

давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушкини бошқариш бўйича бозор механизmlари ишлаб чиқилишини таъминлаш;

давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этилишини таъминлаш, ушбу корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ошириш;

хорижий ва халқаро институтлар ҳамда компаниялар билан давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштиришга тайёрлаш, шу жумладан уларнинг жозибадорлигини ҳамда бошқариш сифатини оширишни назарда тутувчи самарали механизмларни ўрганиш ва жорий қилишга қаратилган доимий ишлар юритилишини таъминлаш;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушкини босқичма-босқич камайтириш ишларини мувофиқлаштириш, самарали ва очик-ошкора хусусийлаштиришни таъминлаш;

давлат иштирокидаги иқтисодий начор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

корпоратив бошқарувини тартибга солиш соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш ишларини ташкил қилиш;

товар ва молия бозорларида фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг устав капиталида (жамғармаларида) давлат иштирокини камайтиришга доир таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлаш;

Республикада давлат-хусусий шериклик муносабатларининг хуқуқий асосини такомиллаштириш ва халқаро амалиётга мос давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ ягона сиёсатини юритиш;

давлат-хусусий шериклик механизmlари жорий этилиши ва ривожлантирилишини ҳамда шу асосда инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлик механизmlарини такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик асосларини фаол жорий қилиш ҳамда ушбу йўналишда илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш;

бозорнинг барча иштирокчиларига товарлардан (ишлар, хизматлардан) тенг фойдаланиш имкониятини бериш, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддлаштириш ва давлат хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш ҳисобига уларнинг барчасига хўжалик фаолиятини юритиши учун тенг шароитлар ҳамда эркинлик берилишини, рақобатбардошлигини таъминлаш;

иктисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш кўламларини, мамлакатда ишбилармонлик мұхитини шакллантириш даражасини баҳолашнинг ҳар чораклик индикаторлари тизимини таҳлил қилиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сон Фармони доирасидаги чора-тадбирлар асосида бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иктисолиётни эркинлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат мұхитини янада ривожлантириш ва иктисолиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонига мувофиқ товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шароитларни яратиш, ошкораликни таъминлаш ва давлат хариди тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш;

ишлаб чиқарилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) сифатини ошириш учун шароит яратиш, нархларнинг асоссиз ўсишини чеклаш ва бунинг ҳисобига ички талабни қаноатлантиришнинг юқори даражасини таъминлаш;

тармоқлар ва ҳудудларда хизматларга бўлган тариф сиёсатини шакллантириш ва юритиш;

мослашувчан тариф сиёсатини олиб бориш, рақобатбардош тарифларни белгилаш бўйича фаол чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

банк тизими ва молиявий инфратузилмани янада ислоҳ қилиш, умумий қабул қилинган халқаро нормалар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ уларнинг барқарорлигини ошириш ва янада юқори даражага чиқишини таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

кўрсатилаётган банк-молия хизматлари кўламини, унинг инфратузилмасини кенгайтириш, аҳоли ва хорижий инвесторларнинг банк-молия тизимига ишончини янада мустаҳкамлаш, тижорат банклари ва умуман, банк-молия тизимининг фаолиятини етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларга асосланган баҳолаш ҳамда таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш;

монетар сиёsat ва валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёsat шакллантирилиши ҳамда амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

миллий суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш ҳамда кўрсатилаётган суғурта хизматларининг сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш;

замонавий талаблар ҳамда умумий қабул қилинган халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ банк тизими ва молиявий инфратузилманинг норматив-ҳукуқий базасини янада такомиллаштиришни таъминлаш;

суғурта ташкилотларининг суғурта муносабатлари барча иштирокчиларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган фаолиятини назорат қилиш ишларини мувофиқлаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ягона методологиясини шакллантириш ҳамда амалга ошириш, аудиторлик фаолиятини тартибга солиш, молия бозорларини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;

давлат қимматли қофозлар бозорини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

ваколатли органлар томонидан Ўзбекистон Республикасида лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш ва лизинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

в) бандликни оширии ва камбагалликни қисқартииши ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ер муносабатларини тартибга солиши соҳасида:

ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишини таъминлаш, ер билан узвий боғланган Давлат кадастрлари ягона тизимини тўлақонли юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон Фармонига мувофиқ иқтисодий соҳадаги кенг кўламли ўзгаришлар ер ва унга боғлик ресурсларнинг аниқ ҳисобини юритиш, улардан оқилона фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришни;

ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

геодезия ва картография соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

давлат кадастрларини юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон қарорига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг кенг табақаларини тадбиркорлик билан шуғулланишга жалб этиш, бошланғич капитал манбаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш тизимини кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш соҳасида ҳамда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида келтирилган механизмлар, хусусан, уларни ўқитиш, микрокредит ажратиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини ошириш дастури ишлаб чиқилишини таъминлаш, аҳолининг турмуши ва фаровонлиги даражасини янада ошириш дастурларини шакллантириш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ходимлар меҳнат ҳукуқларини ҳимоя қилиш тизимларини кучайтириш;

демографик омиллар ва иқтисодиётни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, ишга жойлаштиришнинг илфор шаклларини жорий этишга йўналтирилган аҳоли бандлигини таъминлашнинг худудий дастурларини шакллантириш, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ қатламини ижтимоий кўллаб-қувватлашга доир манзилли дастурлар ва самарали тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишини мувофиқлаштириш;

аҳоли бандлигини ва меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш, фуқароларнинг пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар ва компенсация тўловларини, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларини тайинлаш, аҳолининг noctor тоифаларига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг табақалаштирилганлиги ва манзиллилигини кучайтиришга йўналтирилган ижтимоий сиёsatни амалга ошириш механизmlари ва усуllарини яхшилаш соҳасидаги қонунчиликнинг такомиллаштирилишини таъминлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш ва уни ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган мақсадли дастурлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг ҳужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқиш;

меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат муносабатларини мустаҳкамлаш, моддий рағбатлантириш механизmlарини ва меҳнатни муҳофаза қилиш шароитларини яхшилаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли дастурлар, қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари амалга оширилишини назорат қилиш;

давлат бошқаруви органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

миллий барқарор ривожланишнинг мақсад ва вазифалариға эришиш чора-тадбирларини амалга оширилишини ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;

хусусий тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига тўскинлик қилиш ҳамда ноқонуний араласиши учун масъулиятни оширишга доир дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

мамлакатни истиқболда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг стратегик устувор йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, хусусий мулкнинг устувор ролини таъминлаш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик субъектлари билан яқин ҳамкорликда ва амалий ахборот алмашинувини йўлга қўйган ҳолда, иқтисодиётни бошқаришнинг бозор услублари ва механизмларини кенг жорий этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

иктисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш қўламини, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини баҳолаш тизимини қўллаган ҳолда, демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари юзасидан тизимли мониторинг олиб борилишини таъминлаш;

тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили орқали давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш ва улардан фойдаланишнинг ошкоралигини таъминлаш;

республикадаги ҳар бир оиласда тадбиркорлик билан шуғулланиш ва барқарор даромад манбаига эга бўлиш учун шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оиласларга белгиланган тартибда субсидиялар ажратилишини ташкил этиш масалалари бўйича ўзаро алоқаларни амалга ошириш;

самарали макроиктисодий сиёsatни юритиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул давлат сиёsatини амалга ошириш тизимини жорий этиш;

иктисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришиш чора-тадбирларини амалга ошириш, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли даромадлари табакалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;

г) “йўл ҳариталари”ни ишлаб чиқшиш ва амалга ошириши соҳасида:

“йўл ҳариталари”га киритиш учун Котибиятга бириктирилган ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш юзасидан, шунингдек, тегишли тармоқларда ва республика худудларидағи муаммоли масалалар бўйича таклифлар тайёрлашни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга ташрифлари натижалари бўйича тасдиқланган “йўл ҳариталари” бажарилишини ваколат дирасида тизимли назорат қилинишини мувофиқлаштириш;

“йўл ҳариталари” амалга оширилиши тўғрисида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари раҳбарларининг ахборотлари, материаллари ҳамда ҳисботлари тақдим этилишини таъминлаш ҳамда уларни муҳокама қилиш учун Вазирлар Маҳкамаси мажлисига киритиш;

муайян ҳолатлар бўйича тегишли чоралар кўриш учун оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбаларда, шу жумладан жойларга борган ҳолда жамоатчилик фикрини ўрганиш.

9. Бош вазир ўринбосари ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

Бош вазир томонидан муайян соҳалар ва йўналишларда ислоҳотларнинг амалга оширилишини ўрганиш мақсадида худудларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, худудий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида мавзуга оид сайёр (очик) мажлислар ўтказиш учун тегишли таҳлилий материаллар тайёрланиши ва киритилишини тизимли асосда таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири хузурида кўриб чиқиш учун тегишли режалаштирилган масалалар тайёрланиши ва киритилишини таъминлайди;

мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг ўта мухим ва устувор йўналишлари бўйича яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган концепциялар, давлат дастурлари ҳамда “йўл хариталари” лойиҳаларининг тайёрланиши ва Бosh вазир, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида химоя қилинишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг аниқ кўрсаткичлар ҳамда мақсадли индикаторларга эришишга асосланган фаолиятини тизимли баҳолайди;

ижро этувчи ҳокимият тегишли органларининг раҳбарлари, ҳокимлар ўринbosарларига юклangan вазifa ҳамда функциялар самарали ва натижали бажарилиши учун уларнинг шахсий роли ва масъулиятини ошириш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқадиган тегишли йилга мўлжалланган давлат дастурининг амалга оширилиши тўғрисида ҳар чораклик ҳисоботлар тайёрланиши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари билан ҳамкорлик қиласди;

Ўзбекистон Республикаси Бosh вазirининг топшириқларига биноан республиканинг тегишли ҳудудлари ва тармоқларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг устувор вазифалари ва дастурлари бажарилишини мувофиқлаштириб боради;

Котибиятга бевосита раҳбарлик қиласди;

ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари, Давлат бюджетининг барча даражада мутаносиблигини таъминлаш чора-тадбирлари, ахоли бандлиги ва турмуш даражасини оширишни таъминлаш дастурлари, хусусий тадбиркорлик ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш борасида Котибиятга биритирилган вазирликлар ва идоралар ва хўжалик бирлашмалари, шунингдек, ҳудудлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қиласди;

аниқ соҳалар ва йўналишларни ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хориҷий сафарлари ва республика ҳудудларига ташрифлари якунлари бўйича белгилangan топшириқлар ҳамда вазифаларни бажариш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва мониторинги олиб борилишини мувофиқлаштиради;

Хукумат аъзолари ҳисобланган ва Котибиятга биритирилган вазирлар ҳамда давлат қўмиталари раислари лавозимларига номзодлар бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири билан келишган ҳолда, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси маъқуллаши учун белгиланган тартибда киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари номенклатурасига кирадиган ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа биритирилган ташкилотлар раҳбарлари лавозимларига номзодлар бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири маъқуллаши учун белгиланган тартибда киритади;

Биритирилган соҳада давлат сиёсатини самарали ва сифатли амалга ошириш учун вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга Вазирлар Маҳкамасининг айрим функция ва вазифаларини бериш бўйича таклифлар киритади;

ўзи юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишида давлат манфаатларига қатъий риоя этилишини таъминлайди, ҳужжатларнинг тайёрланган лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг уларнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ташкил этилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Хукумат қарорлари лойиҳаларининг экспертизадан ўтказилиши ва сифатли тайёрланишини ташкил этиш масалаларида Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси билан ҳамкорлик қиласди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишида давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ва “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Хукумат қарорларининг ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси билан биргаликда Котибият мудири, Котибият мудирининг ўринbosарлари, Котибият шуъба мудирлари, бош мутахассислари ва Баш вазир ўринbosари ёрдамчиси лавозимларига кадрлар танлайди;

Котибият мудири, Котибият мудирининг ўринbosарлари, Котибият бош мутахассислари ва Баш вазир ўринbosари ёрдамчисини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида таклифлар киритади;

Котибиятнинг штатдаги лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш ишларини тизимли асосда ташкил қиласди.

10. Баш вазир ўринbosари тегишли комиссияларга (кенгашларга) раҳбарлик қиласди, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Баш вазiri раҳбарлик қиласидаган комиссиялар (кенгашлар) фаолиятини, уларнинг қарорлари бажарилишини ташкил этиш юзасидан назоратни таъминлайди.

3-боб. Баш вазир ўринbosарининг хукуқлари ва жавобгарлиги

11. Баш вазир ўринbosари ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги хукуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

Котибиятга бириктирилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари коллегиал органларининг, хўжалик бошқаруви органлари мажлисларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Баш вазiri топшириқларига кўра – давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг ўзи юритадиган соҳага киравчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакилларини Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиши учун белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вактинчалик ишчи гурухлар тузиш;

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талаблари бўзилган ҳолда келадиган ҳужжатларни қайтариш.

Бош вазир ўринбосарининг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиши бўйича талаблари ва топшириқлари унинг томонидан белгиланган муддатларда бажарилиши шарт.

Бош вазир ўринбосарининг ўзи бошқарадиган масалалар бўйича вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига бериладиган топшириқлари белгиланган тартибда бажарилиши мажбурийдир.

12. Бош вазир ўринбосари:

ушбу Низомнинг 8 ва 9-бандларидағи ўзига юкланган вазифаларнинг тегишли равища ва самарали бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан Вазирлар Маҳкамасига юкланган ва Бош вазир ўринбосари ваколатига кирадиган масалалар бўйича вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ва “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорига мувофиқ қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бевосита Бош вазир ўринбосарининг олдига қўйилган вазифаларнинг тегишли равища ва самарали бажарилиши;

ўзи раҳбарлик қиласиган соҳадаги ишларнинг ҳолати, давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, бошқа ташкилотлар фаолиятининг тегишли равища мувофиқлаштирилиши ва назорат қилиниши, Бош вазир ўринбосари ваколатига кирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама кўриб чиқилиши;

олий даражадаги хорижий ташрифлар, шунингдек, Бош вазир ўринбосари ваколатига кирадиган масалалар бўйича республика ҳудудларига ташрифлар якунлари асосида тасдиқланадиган “йўл хариталари”нинг тегишли равишда ва самарали бажарилиши;

тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатлари, парламент, депутат ва Сенат аъзоси сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари сўзсиз бажарилишининг мониторинги олиб борилиши;

жойлардаги реал аҳволни доимий ўрганиш, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва шу асосда стратегик ҳамда устувор вазифаларни амалга оширишга доир комплекс таклифлар ишлаб чиқилиши;

Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ тақдим этиладиган Ҳукумат қарорлари лойиҳаларининг республика манфаатлари, иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан ва улардаги масалалар барча манфаатдор тузилмалар билан биргалиқда пухта экспертиздан ўтказилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорларига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш учун жавоб беради.

4-боб. Бош вазир ўринбосарининг фаолиятини ташкил этиш

13. Бош вазир ўринбосарининг ишлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, ушбу Низомга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари асосида ташкил этилади.

14. Бош вазир ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг Котибиятга бириктирилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида амалга оширилишининг тизимли мониторингини таъминлаш бўйича фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг иш режасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларига мувофиқ комплекс ўрганишларни амалга ошириш, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда унинг Раёсати мажлисларида ҳисботларни эшитиш йўли билан ташкил этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “7” июл даги ~~425~~-сон қарорига
2-илова

**Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими,
давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш,
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш
масалалари котибияти тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти (кейинги ўринларда – Котибият) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Котибият фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси), унинг Раёсатини, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратини макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштиришни, таркибий ўзгаришларни таъминлаш, банк-молия, солиқ ва божхона тизимини янада ислоҳ қилиш, давлат активларини самарали бошқаришни ташкил этиш ҳамда рақобатни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ер ва унга боғлиқ ресурсларнинг аниқ ҳисобини юритиш, камбағаллкини қисқартириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган.

3. Котибият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, мазкур Низомга амал қиласди.

4. Котибият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади.

Котибият ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирига (кейинги ўринларда – Бош вазир ўринбосари) бўйсунади, бир вақтнинг ўзида унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

5. Котибият ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари, марказий иқтисодиёт органларининг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштиради.

2-боб. Котибиятнинг асосий фаолият йўналишлари, вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Котибиятнинг асосий фаолият йўналишлари ҳисобланади:

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган асосий принципни ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш;

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифалари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислоҳотлар концепцияси ҳамда ўрта муддатли ва узоқ истиқболда ривожлантиришнинг тасдиқланган тармоқ ва худудий дастурлари ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатлари, парламент, депутат ва Сенат аъзоси сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари бажарилишини мониторинг қилиб бориш, шунингдек, жойлардаги ишларнинг реал ҳолатини доимий ўрганиш, иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва шу асосда стратегик ҳамда устувор вазифаларни амалга оширишга доир комплекс таклифлар ишлаб чиқиш;

кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталариға тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқадиган тегишли йилга мўлжалланган давлат дастурининг амалга оширилиши тўғрисида ҳисоботлар тайёрлаш;

Хукумат, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг асосий ҳалқаро рейтинглар ҳамда индексларда Ўзбекистон Республикасининг позицияларини яхшилаш бўйича иш самарадорлигини ошириш соҳасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

жойларда “халқ билан мулоқот” ва шахсий учрашувлар амалиётини такомиллаштириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, шу жумладан аҳолининг бандлиги ва реал даромадлари оширилишини таъминлашни кафолатловчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва шу асосда стратегик ҳамда устувор вазифаларни амалга оширишга доир комплекс таклифлар ишлаб чиқиш;

Хукумат аъзолари, барча даражалардаги вазирликлар ва идоралар раҳбарлари зиммасига юклangan вазифалар ҳамда функцияларнинг самарали ва натижали бажарилиши учун уларнинг шахсий роли ҳамда масъулиятини ошириш;

бириклирлган соҳада давлат сиёсатининг самарали ва сифатли амалга оширилиши, шу жумладан молиявий ресурсларни бошқариш масалаларида вазирликлар ва идораларнинг мустақиллигини идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилишнинг аниқ тизимини жорий этиш орқали кучайтириш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини юзага келадиган муаммолар сабаблари ва шароитларини бартараф этиш, ишни ташкил қилишнинг замонавий услубларини жорий қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга қайта йўналтириш мақсадида айрим давлат функцияларини хусусий сектор субъектларига бериш орқали ортиқча маъмурий тартибга солишни камайтириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали, шу жумладан илгор ҳалқаро тажрибани ўрганиш асосида, зарур бўлганда, ушбу мақсадларга хорижий консультантларни жалб этган ҳолда норматив-хукуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, экспертизадан ўтказиш ва кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли бўлинмалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўмиталари билан ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида, вазирликлар ва идоралар, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликларда ижро интизоми даражасини ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг хужжатлари, баённомалари ва топшириклари, шунингдек, “йўл ҳариталари”нинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш;

давлат бошқарувини номарказлаштириш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг молиявий имкониятлари, роли ва жавобгарлигини кенгайтириш, марказий ва ўрта бўғин бошқарув ходимлари сонини оптималлаштириш орқали бошқарувнинг вертикал тизими механизмларини ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш;

Котибиятда, шунингдек, унга бириктирилган вазириклар, идоралар ҳамда хўжалик бирлашмаларида кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш, ходимлар малакасини ошириш ва кадрларнинг амалий захирасини тайёрлашнинг самарали шакл ва усулларини жорий этиш.

7. Куйидагилар Котибиятнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгаришилар ва иқтисодий ўсишининг замонавий йўналишларини ривожлантириши бўйича:

давлат бошқаруви тизимига, жумладан, стратегик режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг замонавий шакллари, усуллари ва принципларини жорий қилиш;

Котибиятга бириктирилган ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини аниқ кўрсаткичлар ҳамда мақсадли индикаторларга эришиш, яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий ҳамда бошқа соҳаларни стратегик ривожлантириш дастурларининг сифатли ва самарали амалга оширилишини таъминлашга асосланган баҳолаш тизимини жорий этиш;

Ҳукуматнинг муайян соҳалар ва йўналишларда ислоҳотларнинг амалга оширилишини ўрганиш мақсадида ҳудудларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳудудий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида мавзуга оид сайёр (очик) мажлисларини тизимли асосда ўтказиш учун тегишли таҳлилий материаллар тайёрлаш;

макроиқтисодий мутаносиблик, иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини, мамлакат аҳолисининг бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишнинг стратегик вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган иқтисодий ва ижтимоий сиёsat самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёsatини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 26 мартағи ПФ-5975-сон Фармонига мувофиқ самарали макроиқтисодий сиёsatни юритиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул сиёsatни амалга ошириш тизимини жорий этиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

макроиқтисодий ҳолат ва иқтисодиётдаги сифатли таркибий ўзгаришларни мониторинг қилиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлиги, унинг турмуши даражаси ва фаровонлигини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг комплекс мақсадли дастурлари амалга оширилишини, жумладан, тегишли маълумотлар базаларини шаклантириш ва уларни таҳлил қилиш йўли билан назорат қилиш тизимини ташкил этиш;

б) бюджет, давлат газнаси ва давлат қарзини мувофиқлаштириши масалалари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёsatининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш жараёнларини мувофиқлаштириш, бюджетнома лойиҳасининг кўриб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлаш ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этиш;

тегишли даврлар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар кўриб чиқилишини, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига тасдиқлаш учун тақдим этилишини таъминлаш;

ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолатини тизимли таҳлил қилишни ташкил этиш, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар интизомини мустаҳкамлаш, ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида дебиторлик ҳамда кредиторлик қарздорликни камайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритиш, Давлат бюджети ижроси ҳақида ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини ижро этиш;

бюджет ташкилотларининг чет эл валютасидаги даромадлари ва харажатлари ҳисбини юритиш ҳамда мақсадли ишлатилишини таъминлаш;

валюта маблағлари ҳисобидан жалб қилинган халқаро молиявий институтлар ва хорижий хукумат молия ташкилотлари қарзлари ва кредитларини қайтариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига асосан Молия вазирлиги томонидан тўловлари амалга ошириладиган халқаро молиявий институтлар ва ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш;

валюта маблағларини бошқариш, чет эл валютадаги маблағларни депозитларга жойлаштириш ва бюджет ссудаси ва субсидияларини ажратиш;

Ўзбекистон Республикасига келаётган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари, шу жумладан номоддий шаклдаги воситалар тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва ишлаш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзларига хизмат кўрсатиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат кафолатларини ижро мониторинг қилиш;

в) яширин иқтисодиётни қисқартириш ҳамда солиқ ва божхона сиёсатини мувофиқлаштириш масалалари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6098-сон Фармонига мувофиқ мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан тартибга солиш ва маъмурий юкни камайтириш ҳисобига тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш;

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида “Яширин иқтисодиёт” улушкини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 20 июнданги 394-сон қарорига мувофиқ “Яширин иқтисодиёт” улушкини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

бизнеснинг “соядан” чиқишини рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, солик режимини соддалаштириш ҳамда нақдсиз тўловларни кенгайтириш чораларини кўриш;

қабул қилинаётган норматив-ҳукуқий ҳужжатларни шаклланган бизнес юритиш амалиётига мослаштириш;

яширин иқтисодиётга қарши курашиш фаолиятини “пулни ювиш”га қарши курашиш соҳасидаги ташкилотлар фаолияти билан мувофиқлаштириш;

очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, яширин иқтисодиётга қарши курашишга кенг жамоатчиликни, оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, жамиятда яширин иқтисодиётга муросасизлик ҳиссини шакллантириш, легал бизнес юритишнинг нуфузини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон Фармонига мувофиқ солик юкини камайтириш, солик солиш тизимини соддалаштириш ва солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифаларини амалга ошириш;

пул массаси динамикаси ва тузилмасининг тизимли мониторингини олиб бориш, пул муомаласи ҳолатини таҳлил қилиш, бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тушишини таъминлаш, бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарздорликни камайтириш ва қарздорлик ҳосил бўлишининг олдини олиш ҳамда уларнинг касса ижросини таъминлаш;

давлат солик сиёсатини амалга ошириш ҳамда солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, солиқларнинг солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлиқ ҳамда ўз вақтида тушишини таъминлаш юзасидан мониторинг қилиш;

солик солинадиган базани кенгайтириш бўйича таҳлил қилиш ва таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш, шу жумладан макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши ва худудларнинг солик салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш, солик назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш борасида комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш;

солиқларнинг ихтиёрий равища тўланишини таъминлашга қаратилган, солик тўловчиларнинг ҳукуқий маданиятини ошириш бўйича ишларни такомиллаштириш;

божхона тўловлари тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш, божхона органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

идораларо ахборот алмашиш, хорижий давлатлар божхона органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

божхона органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш борасида божхона органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5582-сон Фармонига мувофиқ божхона маъмуриятчилигини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

республика бож сиёсати ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида қатнашиш ҳамда давлат божи тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиш;

республиканинг ташқи иқтисодий алоқалари ривожланишига кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалардан келиб чиқувчи божхона ишига оид мажбуриятларнинг бажарилишини мониторинг қилиш;

республиканинг бошқа давлатлар билан савдо-иқтисодий, валюта-мoliaвий муносабатларини бож-тариф тартибга солиш воситаларини ишлаб чиқишида қатнашиш;

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтадиган товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш;

контрабандага, божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш, республиканинг божхона чегараси орқали гиёҳвандлик моддалари, психотроп ва портловчи моддалар, қурол-яроғ, валюта бойликлари, миллий бойлик ҳисобланган бадиий, маданий-тариҳий ва археологик мерос буюмлари, интелектуал мулк обьектлари ғайриқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш;

божхона иши соҳасидаги фаолият тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва уни ишлашнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

божхона ташувчилари фаолияти, божхона ва эркин омборлар, божсиз савдо дўконлари иши, товарларга божхона худудидан ташқарида, божхона худудида ва божхона назорати остида қайта ишлов берилиши устидан назоратни таъминлаш;

г) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини молиявий-иқтисодий экспертиза қилиши масалалари бўйича:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари томонидан тайёрланадиган муҳим иқтисодий, ижтимоий муаммолар, институционал ва таркибий ислоҳотлар бўйича мақсадли дастурлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг ҳужжатлари лойиҳаларини республиканинг стратегик манфаатлари ва мақсадларига мувофиқлиги юзасидан молиявий-иқтисодий экспертиза қилиш, уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига таъсирини баҳолаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчилик тармоқлари бўйича тизимлаштириш доирасида тегишли соҳадаги малакали мутахассислардан иборат эксперт-таҳлил гуруҳлари билан ҳамкорлик қилиш;

д) давлат активларини хусусийлаштириши ва давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиши масалалари бўйича:

давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушкини бошқариш бўйича бозор механизмлари ишлаб чиқилишини таъминлаш;

давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этилишини таъминлаш, ушбу корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ошириш;

хорижий ва халқаро институтлар ҳамда компаниялар билан давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштиришга тайёрлаш, шу жумладан уларнинг жозибадорлигини ҳамда бошқариш сифатини оширишни назарда тутувчи самарали механизмларни ўрганиш ва жорий қилишга қаратилган доимий ишлар юритилишини таъминлаш;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушкини босқичма-босқич камайтириш ишларини мувофиқлаштириш, самарали ва очиқ-ошкора хусусийлаштиришни таъминлаш;

давлат иштирокидаги иқтисодий начор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

корпоратив бошқарувини тартибга солиш соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш ишларини ташкил қилиш;

товар ва молия бозорларида фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг устав капиталида (жамғармаларида) давлат иштирокини камайтиришга доир таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлаш;

е) давлат-хусусий шерикликни ривожлантириши, монополияга қарии курашии ва тариф сиёсати масалалари бўйича:

Республикада давлат-хусусий шериклик муносабатларининг хуқуқий асосини такомиллаштириш ва халқаро амалиётга мос давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ ягона сиёсатини юритиш;

давлат-хусусий шериклик механизmlари жорий этилиши ва ривожлантирилишини ҳамда шу асосда инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлик механизmlарини такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик асосларини фаол жорий қилиш ҳамда ушбу йўналишда илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш;

иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича тармоқ дастурларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, шу жумладан муайян лойиҳалар концепцияларини ишлаб чиқишида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳалари иштирокчиларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш, лойиҳаларни молиялаштириш механизmlари, шу жумладан юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликларни аниqlаш ва тақсимлаш юзасидан уларнинг таклифларини кўриб чиқиши;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, шу жумладан, лойиҳаларга жалб қилинган бюджет тизими маблағларидан фойдаланишини, шунингдек, тегишли тармоқлардаги халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш амалиётини мониторинг қилиши;

бозорнинг барча иштирокчиларига товарлардан (ишлар, хизматлардан) тенг фойдаланиш имкониятини бериш, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва давлат хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш ҳисобига уларнинг барчасига хўжалик фаолиятини юритиши учун тенг шароитлар ҳамда эркинлик берилишини, рақобатбардошлигини таъминлаш;

иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш кўламларини, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини баҳолашнинг ҳар чораклик индикаторлари тизимини таҳлил қилиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сон Фармони доирасидаги чора-тадбирлар асосида бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонига мувофиқ товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шароитларни яратиш, ошкораликни таъминлаш ва давлат хариди тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш;

ишлаб чиқарилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) сифатини ошириш учун шароит яратиш, нархларнинг асоссиз ўсишини чеклаш ва бунинг ҳисобига ички талабни қаноатлантиришнинг юқори даражасини таъминлаш;

тармоқлар ва худудларда хизматларга бўлган тариф сиёсатини шакллантириш ва юритиш;

мослашувчан тариф сиёсатини олиб бориш, рақобатбардош тарифларни белгилаш бўйича фаол чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

ж) ипотека бозорини ривожлантириши ва давлат иштирокидаги тижорат банкларини ислоҳ қилиши масалалари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ипотека кредити механизmlарини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони ижросини амалга оширилиши мониторингини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали ахолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 11 мартағи ПФ-6186-сон Фармонига мувофиқ асосий параметрларин ижросини таъминланишини мониторингини амалга ошириш;

банк тизими ва молиявий инфратузилмани янада ислоҳ қилиш, умумий қабул қилинган халқаро нормалар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ уларнинг барқарорлигини ошириш ва янада юқори даражага чиқишини таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

кўрсатилаётган банк-молия хизматлари кўламини, уларнинг инфратузилмасини кенгайтириш, аҳоли ва хорижий инвесторларнинг банк-молия тизимига ишончини янада мустаҳкамлаш, тижорат банклари ва умуман, банк-молия тизимининг фаолиятини етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларга асосланган баҳолаш ҳамда таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 23 мартағи ПҚ-3620-сон қарорига мувофиқ банк-молия тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бўйича комплекс мақсадли дастурлар амалга оширилиши мониторингини таъминлаш;

монетар сиёsat ва валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёsatни шакллантириш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

замонавий талаблар ҳамда умумий қабул қилинган халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ банк тизимининг норматив-ҳукуқий базасини янада такомиллаштиришни таъминлаш;

з) молия бозорини ривожлантириши ва сувурта соҳасини ислоҳ қилиши масалалари бўйича:

капитал бозорини ривожлантиришнинг яхлит стратегиясини шакллантириш ва ушбу соҳада ягона давлат сиёsatини амалга оширишни мувофиқлаштириш;

капиталлар бозорининг самарали инфратузилмаси шакллантирилишига кўмаклашиш;

қимматли қоғозлар иккиласми бозорининг жадал ривожланишини ва кўлами кенгайишини, корпоратив бошқарув тизимини мунтазам такомиллаштиришни таъминлаш;

корпоратив бошқарув ва капитал бозорини тартибга солиш соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш ишларини ташкил қилиш;

суғурта бозорини янада такомиллаштириш, кўрсатилаётган суғурта хизматларининг ҳажмлари, турларини кенгайтириш ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишини комплекс таҳлил қилиш, уларни ишлаб чиқиш ва мониторингини олиб бориш ишларини мувофиқлаштириш;

замонавий талаблар ҳамда умумий қабул қилинган халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ банк тизими, молиявий инфратузилма ва суғурта инфратузилмасининг норматив-хукуқий базасини янада такомиллаштиришни таъминлаш;

суғурта ташкилотларининг суғурта муносабатлари барча иштирокчиларининг хукуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган фаолиятини назорат қилиш ишларини мувофиқлаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ягона методологиясини шакллантириш ҳамда амалга ошириш, аудиторлик фаолиятини тартибга солиш, молия бозорларини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;

ваколатли органлар томонидан Ўзбекистон Республикасида лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш ва лизинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

и) кадастр тизимини такомиллаштириши ҳамда ер муносабатларини тартибга солиши масалалари бўйича:

ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишини таъминлаш, ер билан узвий боғланган Давлат кадастрлари ягона тизимини тўлақонли юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон Фармонига мувофиқ иқтисодий соҳадаги кенг кўламли ўзгаришлар ер ва унга боғлиқ ресурсларнинг аниқ ҳисобини юритиш, улардан оқилона фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришни;

ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

геодезия ва картография соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

давлат кадастрларини юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш;

к) хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш масалалари бўйича:

хусусий тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда ноқонуний аралашиб учун масъулиятни оширишга доир дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

мамлакатни истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик устувор йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, хусусий мулкнинг устувор ролини таъминлаш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ҳукуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик субъектлари билан яқин ҳамкорликда ва амалий ахборот алмашинувини йўлга қўйган ҳолда иқтисодиётни бошқаришнинг бозор услублари ва механизmlарини кенг жорий этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили орқали давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш ва улардан фойдаланишнинг ошкоралигини таъминлаш;

республикадаги ҳар бир оиласда тадбиркорлик билан шуғулланиш ва барқарор даромад манбаига эга бўлиш учун шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида” 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон қарорини бажариш доирасида республикадаги ҳар бир оиласда тадбиркорлик билан шуғулланиш ва барқарор даромад манбаига эга бўлиш учун шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

л) аҳолини касбга ўқитши, бандликни ошириши ҳамда пенсия таъминоти ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон қарорига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш, аҳолининг кенг табақаларини тадбиркорлик билан шуғулланишга жалб этиш, бошланғич капитал манбаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш тизимини кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш соҳасида ҳамда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасида келтирилган механизмлар, хусусан, уларни ўқитиш, микрокредит ажратиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

иҳсиз фуқароларни касб-хунарга қайта тайёрлашни самарали ташкил этиш ҳамда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган янги касб-хунар ва мутахассисликларга эга бўлиш учун уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш;

ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотига эга бўлган иҳсиз ва вақтинча банд бўлмаган, шу жумладан доимий ишга эга бўлмаган шахсларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассислик ва касблар бўйича тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

меҳнат органларида иҳсиз сифатида рўйхатдан ўтмаган, иш излаётган шахсларни, шунингдек иш берувчиларнинг буюртманомалари асосида қисқа муддатли ўқитишни ташкил этишини мувофиқлаштириш;

аҳоли бандлигини, меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш, фуқароларнинг пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар ва компенсация тўловларини тайинлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолининг ночор тоифаларига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг табақалаштирилганлиги ва манзиллиигини кучайтиришга йўналтирилган ижтимоий сиёsatни амалга ошириш механизмлари ва усулларини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг ижросини мониторинг қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 4 майдаги ПҚ–5102-сон қарорига мувофиқ Давлат пенсияларини ҳисоблаш учун зарур маълумотлар электрон базасини шакллантириш, ушбу жараённи соддалаштириш, фуқароларнинг оворагарчиликларини бартараф этиш, пенсия ва нафақаларни етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, мазкур йўналишда соғлом рақобат муҳити ва замонавий стандартларни жорий этиш;

Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 28 апрелдаги 248-сон қарорига мувофиқ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларига ёрдам кўрсатиш;

янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини ошириш дастури ишлаб чиқилишини таъминлаш, аҳолининг турмуши ва фаровонлиги даражасини ошириш дастурларини шакллантириш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ходимлар меҳнат ҳукуқларини ҳимоя қилиш тизимларини кучайтириш;

демографик омиллар ва иқтисодиётни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, ишга жойлаштиришнинг илфор шаклларини жорий этишга йўналтирилган аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳудудий дастурларини шакллантириш, пенсионерлар, ногирон шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ночор гуруҳларини ижтимоий қўллаб-кувватлашга доир манзилли дастурлар ва самарали тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишларини мувофиқлаштириш;

республикани демографик ривожлантириш прогнозлари ва ҳудудлар меҳнат ресурсларининг балансларини тайёрлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда уни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича самарали комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида демографик жараёнлар, меҳнат ресурсларининг миқдори ва тузилмасининг сон ҳамда сифат жиҳатидан ўзгаришининг чукур таҳлил қилиниши ва мониторинги олиб борилишини, аҳолининг турмуш ва фаровонлик даражаси тадқиқ этилишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш ва уни ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган мақсадли дастурлар,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг хужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқиш;

мехнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат муносабатларини мустаҳкамлаш, моддий рағбатлантириш механизmlарини ва меҳнатни муҳофаза қилиш шароитларини яхшилаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли дастурлар, қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари амалга оширилишини назорат қилиш;

м) камбағалликни қисқартиришининг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиши ҳамда барқарор ривожланиши соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиши масалалари бўйича:

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оиласларга белгиланган тартибда субсидиялар ажратилишини ташкил этиш масалалари бўйича ўзаро алоқаларни амалга ошириш;

самарали макроиқтисодий сиёsatни юритиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул давлат сиёsatини амалга ошириш тизимини жорий этиш;

иқтисодий ўсишнинг инклузивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда ҳалқаро молия институтлари ва хорижий хукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизmlарини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

барқарор ривожланиши соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришиш чора-тадбирларини амалга ошириш, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;

н) концепциялар, дастурлар, “йўл ҳариталари”ни ишлаб чиқшии ва амалга ошириши ҳамда уларнинг бажарилишини мониторинг қилиши соҳасида:

макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштиришни, таркибий ўзгаришларни таъминлаш, банк-молия, солиқ ва божхона тизимини янада ислоҳ қилиш, ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш, ер билан узвий боғланган Давлат кадастрлари ягона тизимини тўлақонли юритиш, давлат активларини самарали бошқаришни ташкил этиш ҳамда рақобатни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишнинг муҳим ва устувор йўналишлари бўйича яқин, ўрта ва узок муддатли истиқболга мўлжалланган концепциялар, дастурлар ҳамда “йўл ҳариталари”ни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида уларни ҳимоя қилиш механизмларини жорий этиш;

“йўл ҳариталари”га киритиш учун Котибиятга бириктирилган ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш юзасидан, шунингдек, тегишли тармоқлардаги ва республика худудларидағи муаммоли масалалар бўйича таклифлар тайёрлашни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга ташрифи ва республика худудларига ташрифлари натижалари бўйича Котибият ваколатига кирувчи масалалар юзасидан тасдиқланган “йўл ҳариталари” бажарилишининг тизимли назоратини таъминлаш;

“йўл ҳариталари” амалга оширилиши тўғрисида Котибиятга бириктирилган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тијорат банклари раҳбарларининг батафсил ахборотлари, материаллари ва ҳисоботлари тақдим этилишини таъминлаш ҳамда муҳокама қилиш учун уларни Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига киритиш.

8. Котибият ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

Ҳукуматнинг муайян соҳалар ва йўналишларда ислоҳотларнинг амалга оширилишини ўрганиш мақсадида худудларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, худудий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида мавзуга оид сайёр (очик) мажлисларини ўtkазиш учун тегишли таҳлилий материаллар тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири хузурида кўриб чиқиш учун тегишли режалаштирилган масалаларни тайёрлайди ва киритади;

мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг ўта муҳим ва устувор йўналишлари бўйича яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган концепциялар, давлат дастурлари ҳамда “йўл хариталари” лойиҳаларининг тайёрланиши ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида ҳимоя қилинишини таъминлайди;

ижро этувчи ҳокимият тегишли органларининг раҳбарлари, ҳокимларнинг биринчи ўринбосарларига юкланган вазифа ҳамда функциялар самарали ва натижали бажарилиши учун уларнинг шахсий роли ва масъулиятини ошириш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқадиган тегишли йилга мўлжалланган давлат дастурининг амалга оширилиши тўғрисида ҳар чораклик ҳисоботлар тайёрланишини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини таъминлайди;

мамлакатни макроиқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, тармоқлар ва худудларда иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишга оид давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш масалалари бўйича маълумотлар базаларини ташкил этиш, юритиш ҳамда мунтазам янгилаб боришни таъминлайди;

муайян ҳолатлар бўйича тегишли чоралар кўриш учун оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбаларда, шу жумладан жойларга борган ҳолда жамоатчилик фикрини ўрганишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатлари, парламент, депутат ва Сенат аъзоси сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари самарали бажарилишини ташкил этади, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қиласи;

ўзи юритадиган соҳага доир масалалар тўғрисидаги ахборотни умумлаштиради ва таҳлилий қайта ишлайди, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазир ўринбосари учун, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиш учун тегишли маълумотнома, таҳлилий материаллар ҳамда таклифлар тайёрлайди;

худудлардаги иқтисодий ва ижтимоий аҳволни, жумладан, жойига бориб ўрганади, ижтимоий-иқтисодий, таркибий ва маъмурий ислоҳотлар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини ўрганади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига ҳисобот бериш учун тегишли таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириклари бажарилишини назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатларининг Вазирлар Маҳкамасига киритилган лойиҳаларини экспертизадан ўтказади, қайта ишлайди ва келишади, уларга зарур таҳлилий ҳамда маълумотнома материалларнинг сифатли тайёрланишини таъминлайди;

республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ материалларни ишлаб чиқиш ва қарорларни расмийлаштиришда иштирок этади, ушбу материалларни Бош вазир ўринbosарига, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига тақдим этади, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли баённома қарорлари ижросининг назоратини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишлар учун материаллар тайёрлашда ҳамда уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда иштирок этади;

материаллар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларининг комплекс равища сифатли тайёрланиши ҳамда ишлаб чиқилишини, шунингдек, уларнинг манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ташкилотлар, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари билан келишилишини таъминлайди;

қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига белгиланган тартибда тақдим этилишини, Котибият ваколатига кирадиган масалалар бўйича уларнинг ҳимоя қилинишини ташкил этади;

Котибиятга бириктирилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар фаолиятини Котибиятга юкланган вазифаларга мувофиқ мувофиқлаштиради;

бириктирилган соҳада давлат сиёсатини самарали ва сифатли амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг айрим функция ва вазифаларини вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга бериш бўйича таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазир ўринbosари раҳбарлик қиласидан тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашларнинг самарали ишланини таъминлайди ва улар қабул қилган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ҳамда назорат қиласиди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, электрон шаклда келадиган мурожаатларини қўриб чиқади, уларда қўйилган масалаларни ҳал этишга оид таклифлар тайёрлайди, ушбу мурожаатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларга қўриб чиқиш ва чоралар қўриш учун юборади, уларнинг ўз вақтида қўриб чиқилишини назорат қиласиди, жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини қабул қиласиди;

республика худудлари бўйича макроиқтисодий ривожланиш, банкомолия тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгартириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш масалалари, шунингдек, иқтисодиёт соҳалари бўйича мақсадли дастурлар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг амалга оширилишини мувофиқлаштиришни таъминлайди ҳамда натижаларини умумлаштиради;

бажарилиши учун Бош вазир ўринbosари маъюл бўлган масалалар ва вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлайди.

Котибият ўзига юкланган бошқа вазифаларни ҳам белгиланган тартибда амалга оширади.

3-боб. Котибиятнинг хуқуқлари ва жавобгарлиги

9. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуийдаги хуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларининг макроиктисодий ривожлантириш, таркибий ва институционал ислоҳотлар, иқтисодиёт тармоқлари, секторлари ва ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиши масалалари бўйича ахборот-таҳлилий ҳамда прогнозлаш фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

марказий иқтисодиёт органлари, илмий-тадқиқот марказлари ва институтлари ходимлари, маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда, ахборот-таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш учун эксперт гурухлари ташкил этиш;

халқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар, семинарлар ва кенгашларда, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий, институционал ва таркибий ислоҳотлар муаммолари бўйича ахборот-таҳлилий тадқиқотлар соҳасидаги халқаро лойиҳаларда қатнашиш;

ташқи иқтисодий фаолият масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, халқаро, хорижий молиявий ва иқтисодий ташкилотлар, хорижий ҳукумат муассасалари билан ёзишмаларни белгиланган тартибда юритиш;

мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотларнинг коллегиал органлари мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири, Бosh вазир ўринбосарининг топшириғига биноан – давлат бошқа органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг Котибият юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

зарур ҳолатларда, Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гурухлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлар талаблари бузилган ҳолда келган ҳужжатларни қайтариш.

Котибиятнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Котибият белгилаган муддатларда бажарилиши шарт.

10. Котибият:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатлари, парламент, депутат ва Сенат аъзоси сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари бажарилишини мониторинг қилиб бориш;

жойлардаги ишларнинг реал ҳолатини доимий ўрганиш, иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва шу асосда стратегик ҳамда устувор вазифаларни амалга оширишга доир комплекс таклифлар ишлаб чиқиш;

ушбу Низомнинг 7 ва 8-бандларида кўрсатилган ва ўзига юкланган вазифаларнинг тегишли равишда ҳамда самарали бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Котибият ваколатига тааллуқли масалалар бўйича бошқа қонун ҳужжатлари билан Вазирлар Маҳкамасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ва “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорига мувофиқ қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг сифатли ҳамда ўз вақтида бажарилиши;

Котибиятдаги ишларнинг ҳолати, тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар фаолиятининг зарур даражада мувофиқлаштирилиши ва назорат қилиниши, Котибият ваколатига кирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама кўриб чиқилиши;

олий даражадаги хорижий ташрифлар, шунингдек, республика ҳудудларига сафарлар натижалари бўйича Котибият ваколатига кирадиган масалалар юзасидан тасдиқланган “йўл хариталари”нинг зарур даражада ва самарали бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларининг давлат манфаатларини, иқтисодий самарадорликни таъминлаш ҳамда улардаги масалаларни барча манфаатдор тузилмалар билан боғлаш нуқтаи назаридан пухта экспертиздан ўтказилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг

комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларарабо ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорларига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сўзсиз риоя этилиши учун жавоб беради.

4-боб. Котибиятнинг тузилмаси

11. Котибият тузилмасига Котибият мудири, Котибият мудирининг биринчи ўринbosари, Котибият мудирининг ўринbosари – бандликни ошириш ва камбағалликни қисқартириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-куватлаш ва ер муносабатларини тартибга солиш масалалари шуъбаси мудири, шунингдек:

макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгаришлар, яширин иқтисодиётни қисқартириш ҳамда бюджет, солиқ ва божхона сиёсатини мувофиқлаштириш масалалари шуъбаси мудири;

макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ўсишнинг замонавий йўналишларини ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассис;

бюджет, давлат ғазнаси ва давлат қарзини мувофиқлаштириш масалалари бўйича бош мутахассис;

яширин иқтисодиётни қисқартириш ҳамда солиқ ва божхона сиёсатини мувофиқлаштириш масалалари бўйича бош мутахассис;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини молиявий-иктисодий экспертиза қилиш масалалари бўйича бош мутахассис;

давлат активларини хусусийлаштириш ва трансформация қилиш ҳамда давлат-хусусий шериклик, рақобат ва молия бозорини ривожлантириш масалалари шуъбаси мудири;

давлат активларини хусусийлаштириш ва давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиш масалалари бўйича бош мутахассис;

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, монополияга қарши курашиш ва тариф сиёсати масалалари бўйича бош мутахассис;

ипотека бозорини ривожлантириш ва давлат иштирокидаги тижорат банкларини ислоҳ қилиш масалалари бўйича бош мутахассис;

молия бозорини ривожлантириш ва суғурта соҳасини ислоҳ қилиш масалалари бўйича бош мутахассис;

бандликни ошириш ва камбағалликни қисқартириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ер муносабатларини тартибга солиш масалалари шуъбаси мудири;

кадастр тизимини такомиллаштириш ҳамда ер муносабатларини тартибга солиш масалалари бўйича бош мутахассис;

хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш масалалари бўйича бош мутахассис;

аҳолини касбга ўқитиши, бандликни ошириш ҳамда пенсия таъминоти ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассис;

камбағалликни қисқартиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиши ҳамда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш масалалари бўйича бош мутахассис;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг ёрдамчиси;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг инспектори;

Котибият инспектори киради.

Котибият тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

12. Котибият ишларига Котибият мудири раҳбарлик қиласи.

13. Котибият мудири, Котибият мудирининг ўринбосарлари, шуъба мудирлари, мутахассислари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг ёрдамчиси ва инспекторлар белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5-боб. Котибият фаолиятини ташкил этиш

14. Котибият ишлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида Иш юритиши бўйича йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазир ўринбосарининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг буйруқлари

ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Котибият иш режалари, Котибият мудири, Котибият мудирининг ўринbosарлари, шуъба мудирлари ва мутахассисларининг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Котибиятнинг иш режаси Вазирлар Маҳкамасининг Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан тасдиқланадиган иш режаси асосида шакллантирилади.

Котибиятнинг иш режалари, Котибият мудирининг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси билан келишилди ва Бош вазир ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Котибият мудирининг ўринbosарлари, шуъба мудирлари, мутахассислари ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринbosари ёрдамчисининг шахсий иш режалари Котибият мудири томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари бириктирилган давлат ва хўжалик бошқарувчи органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотларда амалга оширилишининг тизимли мониторингини олиб бориш бўйича Котибиятнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг иш режасига мувофиқ комплекс ўрганишлар асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқларига биноан Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида хисботларни эшлиши ва маълумотларнинг тегишли банкини юритиш орқали таъминланади.

15. Котибият мудири:

Котибиятга бевосита раҳбарлик қилади, ўз ўринbosарлари, шуъба мудирлари, мутахассислар ишларини ташкил этади, Котибиятга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Котибият юритадиган соҳага оид масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишида давлат манфаатларига қатъий риоя этилишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатдан ишлаб чиқилишини ташкил этади ва хужжатларнинг тайёрланган лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли норматив-хукуқий хужжатлар қабул қилингандан сўнг уларнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

республиканинг тегишли тармоқлари, соҳалари ва ҳудудларида иқтисодий ислоҳотларнинг ахволи ва самарадорлигининг тизимли мониторинги ташкил этилиши ва бу ҳақда маълумотлар банкининг шакллантирилишини, шунингдек, муаммоли масалаларни ҳал этишга доир амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини, республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари амалга оширилишини таъминлайди;

Котибиятнинг тасдиқланган тузилмаси ва штатлар жадвалига, Котибият мудирининг ўринбосарлари ва мутахассисларининг касб даражаси ва амалий малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда жазолаш чораларига мувофиқ лавозимларга тавсия этилаётган номзодлар бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси билан келишган ҳолда Бош вазир ўринбосарига кўриб чиқиш учун киритади;

вазифаларнинг Котибият мудирининг ўринбосарлари, шуъба мудирлари ва мутахассислари ўртасида тақсимланишини, шунингдек, Котибиятнинг яrim йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва Бош вазир ўринбосарига тасдиқлаш учун киритади, Котибият мудирининг ўринбосарлари, мутахассисларининг иш режаларини тасдиқлайди;

Вазирлар Маҳкамасига келган ва Ҳукумат қарорлари қабул қилиниши талаб этилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларга кўриб чиқиш учун юборади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар мажлисларида ҳамда Котибият юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

Котибият кадрлар захирасининг шакллантирилиши ва янгиланишини, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли иш олиб бориш ташкил этилишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

16. Котибият мудири вақтинчалик бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини Котибият мудирининг биринчи ўринбосари бажаради.

17. Котибият мудирининг ўринбосарлари:

шуъба мудирлари ва мутахассислар фаолиятини мувофиқлаштиради, ўзига бириктирилган масалалар бўйича Котибиятга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ҳамда ижро интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

ўзига бириктирилган масалалар бўйича материаллар ва хужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қиласди, топшириқларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлади;

тегишли масалалар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилиши, уларни мунтазам янгилаб турish юзасидан назоратни амалга оширади;

материаллар тўғрисида Котибият мудирига, шунингдек, белгиланган тартибда Бosh вазир ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

ислоҳотларни чуқурлаштириш, республикани, тармоқлар ва худудларни янада ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, шунингдек, тегишли соҳалардаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил қиласди ва уларни Котибият мудирига тақдим этади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Хукумат комиссиялари ҳамда идоралараро комиссиялар ва кенгашлар мажлисларида, ўзи юритадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш мақсадида уларни муҳокама қилиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар иштирокида ўзига бириктирилган масалалар бўйича йиғилишлар ўтказади;

Котибият мудирининг топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Котибият мудирига тегишли мутахассислар ўртасида вазифаларни тақсимлаш бўйича таклифлар киритади;

Котибият мудирига мутахассисларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, рағбатлантириш ҳамда жазолаш тўғрисида таклифлар тақдим этади.

18. Котибият шуъба мудири:

шуъба мутахассислари ишларини мувофиқлаштиради ва шуъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

шуъбага бириктирилган масалалар бўйича маълумотнома, тахлилий, статистик ва бошқа материаллар, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳукуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мутахассислар томонидан сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ҳукумат қарорларини амалга ошириш бўйича мутахассислар томонидан ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режалари тайёрланишини, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ёки унинг ўринbosари томонидан тасдиқланишини мувофиқлаштиради, эришилган натижаларнинг мониторингини доимий равишда таъминлайди;

масалаларни ўрганиб чиқиши мувофиқлаштиришни ва тегишли давр учун мутахассислар, Котибият ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқланган иш режаларидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди, танқидий тахлил асосида тегишли таклифларни кўриб чиқиш учун Котибият мудирига киритади;

иктисодиётнинг тегишли тармоқлари, соҳалари ва секторлари, шунингдек, республика ҳудудлари бўйича туркумланган маълумотлар базасининг мутахассислар томонидан яратилиши ва юритилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

маълумотнома материаллари ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Котибият мудирига, шунингдек, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига, унинг ўринbosарларига, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига ва унинг ўринbosарларига ахборот беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ва маслаҳатчилари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат

комиссиялари ҳамда идораларо комиссиялар ва кенгашлар мажлисларида, шуъба юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлар, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишига материаллар тайёрлаш учун ўзига бириклирлган масалалар бўйича йиғилишлар ўтказади, шунингдек, ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади;

Котибият мудирининг топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Котибият мудирига тегишли мутахассислар ўртасида вазифаларни тақсимлаш бўйича таклифлар киритади;

Котибият мудирига ўзига бириклирлган масалалар бўйича мутахассисларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, рағбатлантириш ҳамда жазолаш тўғрисида таклифлар тақдим этади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

19. Котибият бош мутахассиси:

таклифларнинг ва норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатлар бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифлар ҳамда ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт хulosалар тайёрлайди, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ улар юзасидан зарур келишишларни таъминлайди;

материаллар ва хужжатлар лойиҳалари тўғрисида Котибият мудири, унинг ўринbosарлари, шуъба мудирига, шунингдек, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарига ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган хужжатлар бўйича амалга ошириш жадвалини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун киритади, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари, соҳалари ва республика ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарларининг топшириклари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни амалга оширади;

тегишли функционал масалалар ва хужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базасининг шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам янгилаb турилишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари марказий аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва юридик хизматлар), маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишларининг аҳволи ва самарадорлигини доимий асосда ўрганади, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

соҳани ривожлантириш бўйича истиқболли вазифаларни самарали ҳал этиш юзасидан Котибиятга бириктирилган вазирликлар ва идораларнинг мувофиқлаштирилган ишини таъминлайди;

идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг аниқ тизимини жорий этиш орқали бириктирилган соҳада давлат сиёсатини самарали ва сифатли амалга оширишда Котибиятга бириктирилган вазирликлар ва идоралар мустақиллигини кучайтиришда иштирок этади;

Котибиятга бириктирилган ташкилотлар ва уларнинг раҳбарларининг фаолиятини баҳолашнинг аниқ кўрсаткичлар ҳамда мақсадли индикаторларга эришишга асосланган тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишда, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани стратегик ривожлантириш бўйича яқин, ўрта ва узок муддатли истиқболга мўлжалланган дастурлар сифатли ҳамда самарали амалга оширилишини таъминлашда иштирок этади;

ўзига бириктирилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлислари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш, шунингдек, ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини муҳокама қилиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирокида ўзига бириктирилган масалалар бўйича йиғилишлар ўтказади;

Вазирлар Маҳкамаси, Котибиятнинг иш режаларида, шунингдек, тегишли давр учун шахсий иш режаларида назарда тутилган масалаларни ўрганиш ва чора-тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштиришни таъминлайди, танқидий таҳлил асосида шуъба мудирлари, Котибият мудирининг ўринbosарлари, Котибият мудири, Бош вазир ўринbosарига кўриб чиқиш учун таклифлар киритади;

ислохотларни чуқурлаштириш, республикани, соҳалар ва ҳудудларни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шунингдек, тегишли масалалар бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил қиласида ҳамда шуъба мудири, Котибият мудирининг ўринbosарлари, Котибият мудирига тақдим этади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

20. Бош вазир ўринbosарининг ёрдамчиси:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли топшириклари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бажарилишининг назоратини ҳамда таҳлил этилишини таъминлайди, уларни бажариш натижалари ҳақида Бош вазир ўринbosарига ахборот беради;

Хукуматнинг муайян соҳалар ва йўналишларда ислоҳотларнинг амалга оширилишини ўрганиш мақсадида ҳудудларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳудудий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида мавзуга оид сайёр (очик) мажлисларини тизимли асосда ўтказиш учун тегишли таҳлилий материаллар тайёрлашда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатлари, парламент, депутат ва Сенат аъзоси сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари самарали бажарилишини ташкил этади, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қиласди;

Вазирлар Маҳкамаси, Котибиятнинг иш режаларида, шунингдек, тегишли давр учун шахсий иш режаларида назарда тутилган масалаларни ўрганиш ва чора-тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштиришни таъминлайди, танқидий таҳлил асосида Котибият мудирининг ўринbosарлари, Котибият мудири, Бош вазир ўринbosарига кўриб чиқиш учун таклифлар киритади;

Бош вазир ўринbosарининг иш режаларини шакллантиришда иштирок этади ва уларнинг бажарилишини ташкил қиласди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда Бош вазир ўринbosари кўриб чиқиши учун ахборот-маълумотнома ва бошқа материаллар, шунингдек, Бош вазир ўринbosарининг маърузалари ва нутқларини тайёрлайди;

Бош вазир ўринbosари томонидан ўтказиладиган йиғилишлар ва мажлисларга, шу жумладан Хукумат комиссияларининг йиғилиши ва мажлисларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишни ташкил қиласди, топшириқларни умумлаштиради, уларнинг ижросини назорат қиласди, Котибият мудири ва Бош вазир ўринbosарига топшириқларнинг бажарилиши ҳақида белгиланган тартибда ахборот беради;

Бош вазир ўринbosарига келадиган хат-хабарларни таҳлил қиласди, тегишли материаллар бўйича ахборот беради ва хат-хабарлар юзасидан топшириқларни ижрочиларга белгиланган тартибда юборади;

Бош вазир ўринbosарининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини қабул қилишини ташкил этади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари билан биргаликда фуқароларни Бош вазир ўринbosари қабул қилишини ташкил этади, Бош вазир ўринbosари ва Котибият мудирининг топшириғига биноан фуқароларни шахсан қабул қиласди.

21. Инспектор Котибиятда иш юритилишини таъминлайди, ҳужжатларнинг ўтишини назорат қиласди, ишларнинг тайёрланишини ва архивда сақлаш учун ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

